

## ЎҚУВЧИ ШАХСИЯТИНИ ШАКЛЛАНИШИДА “ШАХСГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ЁНДАШУВ”НИНГ ЎРНИ

Шеров Достон  
*Alfraganus University, ўқитувчи*

Соҳага оид манбалардан аён бўладики, шахсга йўналтирилган таълим терминини шахс билан ҳар қандай муносабатни англатувчи эмас, балки худди “психоанализ” каби аниқ назария ва методларга таянувчи ёндашув сифатида қараш керак бўлади. Бу каби назария ва методлар К.Роджерс томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, ҳозирда тобора ривожланиб бораётганини қўришимиз мумкин. Шундай қилиб, шахсга йўналтирилган таълимий ёндашув бу гуманистик психология ғояларини амалиётда (мактаб ва олий таълим муассасаларида) қўллашдир. Демак, шахсга йўналтирилган таълимий ёндашув мҳиятини очиб бериш гуманистик психологияга батафсилроқ тўхталишни тақозо этади.

Бошқа ёндашувлардан фарқли ўлароқ таълим-тарбияга гуманистик ёндашув, аввало, ўз мақсадлари билан ажралиб туради. Айнан ушбу мақсадлар ҳозирги кунда гуманистик психология мақсадлари билан ўзаро бир-бирини тўлдиради ва қўллаб-куватлади.

Айнан ҳозирги вақтда янги гуманистик фалсафа доирасида таълим-тарбиянинг янги концепцияси ишлаб чиқилаётганини кузатишими мумкин. Бу хақда фикр юритган А.Г.Маслоу “Ушбу концепциянинг асосий моҳияти шундан иборатки, таълим мақсади ва ўқув предмети инсоннинг ўзи ва гуманистик мақсадлари, яъни инсон манфаатларига жавоб берадиган ва улар орасида инсоннинг” ўзини ўзи англаши”, “шахсга айланиши” биринчи ўринга чиқади. Бунда инсоният энг яхши вакиллар эриша оладиган нарсалар тўлиқ мужассам бўлган вакил-шахс сифатида тушунилади. Қисқаси, таълимнинг мақсади инсонга ўз имкониятларини тўла рўёбга чиқаришга ёрдам беришдан иборатдир”<sup>4</sup>.

А.Г.Маслоу ўз фикрини давом эттириб, бола (ўқувчи)нинг асосий психологик эҳтиёжларини қондириш замонавий таълимнинг энг муҳим вазифаларидан бири эканлиги, бола (ўқувчи) учун энг муҳим шахсий эҳтиёжлар, яъни ўзини хавфсизликда, ижтимоий муҳит-муносабатларда (севги, меҳрибонлик, ижтимоий тегишлилик) ҳамда ўз-ўзига ишониш ва ўзини хурмат қилишдан қониқмасдан ўзини намоён эта олмаслигини таъкидлаб ўтади.

Соҳага оид адабиётлар таҳлилидан маълум бўладики, А.Маслоу ўз изланишларида кўпроқ умумназария ва фалсафий масалаларга эътибор қаратган бўлса, К.Роджерс ушбу ёндашувни, унинг амалий методларни батафсил ишлаб чиқсан бўлиб, айнан унинг амалий ёндашуви ҳозирда шахсга йўналтирилган таълим деб қаралмоқда. Шахсга йўналтирилган таълимий ёндашувни амалга ошириш, амалий

<sup>4</sup> Маслоу А.Г. Дальние пределы человеческой психики. – Санкт-Петербург: 1997. – С. 180.

қўллаш ўқитувчидан катта маҳорат талаб этади. “Бундай ўқитувчи беморга нисбатан “бутунлай ижобий муносабати”, у билан “ҳамдардлиги”, очик муносабати ва ғамхўрлиги билан Роджерснинг терапевтига ўхшайди”<sup>5</sup>.

Ўқувчилар таълим-тарбияси, ривожланиши ва ўзгариши, даставвал, ўқитувчидан муайян шарт-шароитларни яратишни талаб этади. Бу борада фикр юритган К.Роджерс қўйидагиларни санаб ўтган:

- инсоннинг ўрганиш ёки ўзгаришга истаги унинг ҳайётий тажрибасига боғлиқ. Инсон ўзининг асосий психологик эҳтиёжлари (хавфсизлик, севги, ўзини ҳурмат килиш ва намоён этиш)ни қондириш учун нималарнидир ўрганиш, ўзгартиришга интилади ва бу истак ўқиши учун ички мотив бўлиб хизмат қиласди;

- ҳозирги кун ўқитувчисидан табиийликка, ҳақгўйликка мойил бўлиш талаб этилади, яъни у аслида қандай бўлса, ўзини ҳам шундай тутиши ва бошқа одамларга “табиий” муносабатда бўлиш лозим. Бу орқали ўқитувчи ўз ўқувчилари билан очик муносабатга кириша олади;

- сўзсиз ижобий муносабатга киришиш ўқитувчининг ўз ўқувчиларига нисбатан кўрсатадиган илиқ туйғуларида намоён бўлади;

- эмпатик тушуниш, яъни ўқитувчи ўз ўқувчилари ички оламини тўғри эмпатик тушуниши лозим. “Ўқувчига илиқ ва сўзсиз ижобий муносабатда бўлиш, унга янги мавзу материалларини ўзлаштиришга кўмаклашиш билан бирга унинг кўрқув, тушкунлик каби туйғуларини олдиндан ҳис этиш, эмпатик тушуниш орқали мукаммал билим олиш учун шарт-шароит яратилади;

- табиийлик ва эмпатик тушуниш ўқувчиларга мувафақиятли тарзда етказилиши лозим<sup>6</sup>.

Шахсга йўналтирилган таълим ўзбек тадқиқотларида ҳам чуқур ўрганилаётгани хорижий тажриба ўзбек таълим тизими контекстида ривожлантирилиб, такомиллаштирилиши билан бирга улар ўзбек таълим тизимига сайқаллаштирилаётганлигидан далолат беради. Қатор ўзбек олимлари, жумладан, А.А.Акрамов “Шахсга йўналтирилган таълим технологиялари асосида бўлажак ўқитувчиларда фуқаролик позициясини ривожлантиришнинг ташкилий-методик асосларини такомиллаштириш”, А.А.Алимов “Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини шахсга йўналтирилган технологиялар асосида инновацион фаолиятга тайёрлаш”, М.А.Эшмирзаева “Шахсга йўналтирилган таълим асосида талабаларнинг касбий компетентлилигини шакллантириш (электромагнетизм бўлими мисолида)” мавзуларида ўз тадқиқотларини олиб бориб, соҳа ривожига ўз ҳиссаларини қўшишган. Анъанавий таълим ва шахсга йўналтирилган таълим борасида сўз юритган М.А.Эшмирзаева улар орасидаги аниқ фарқларни санаб ўтган<sup>7</sup> (2-жадвал<sup>8</sup>):

<sup>5</sup> Маслоу А.Г. Дальние пределы человеческой психики. – Санкт-Петербург: 1997. – С. 20.

<sup>6</sup> Роджерс К. Взгляд на психотерапию. Становление человека. – М.: 1994. – С. 348.

<sup>7</sup> М.А.Эшмирзаева Шахсга йўналтирилган таълим асосида талабаларнинг касбий компетентлилигини шакллантириш (электромагнетизм бўлими мисолида): пед. фан. бўй. фал. докт... (PhD) дис... –Т.: 2019. –178 б.

<sup>8</sup> Мазкур фикрлар рус тадқиқотчиси изланишларида ҳам тақрорланганини кўришимиз мумкин (Трошагин М. И. Личностно – ориентированный подход в обучении и проблемы его реализации // Воспитание школьников, № 11, 2008. – С. 19.)

Йўналишлар	Дидактик-марказлашган ёндашув	Шахсга йўналтирилган ёндашув
Мақсадга йўналтириш	Дастурни бажариш, билим, кўникма ва малакага эга бўлиш	Талаба шахсини ўз-ўзича ривожлантириш шарт-шароитини яратиш, ўқув жараёнида ўзининг индивидуаллик кобилиятини аниqlаш.
Устуворлик, муҳимлик	Дастур, дидактик воситалар.	Талаба шахси, ўз-ўзини қадрлаш, ўқувчининг субъектив тажрибаси.
Бош омил	Ўқитиши (билим, кўникма, малака)	Таълимот (билиш)
Бош қиёфа	Ўқитувчи	Талаба
Иккита тажриба (индивидуал ва шахс)нинг ўзаро таъсири	Индивидуал тажрибани жамият тажрибасига кўшиб юбориши.	Индивидуал тажрибани доимий кўллаш, уни ижтимоий-тарихий тажриба билан мослаштириш
Шахсни ривожлантириш	Норматив фаолиятни эгаллаш орқали	Субъектив тажрибани ўзгартериш
Тамойиллар	Илмийлик, мантиқлилик, кўргазмалилик	Эмоционал сезирлик тажрибасига таяниш табиий кобилият. Мен концепция, тажрибага таяниш
Услуб (метод)	Дарс ўқитиши (мажбурийлик)	Ўқув фаолияти натижаларини шахсий манфаат сферасига ўтказиш
Мотивация	Ташқи	Ички, хусусий
Муносабат	Субъект-объект	Субъект-субъект
Фалсафа	Ўқимасанг-ўргатамиз, хоҳламасанг- мажбур қиласиз,	Ўз ҳолингча ҳал қил, ўз йўналишингни танла.

Ушбу жадвал маълумотлари юқорида шахсга йўналтирилган таълимнинг хусусиятлари борасида келтирилган фикрларга хулоса сифатида қараш мумкин бўлади. Зоро, шахсга йўналтирилган таълимий ёндашув ўзининг таълим-тарбия жараёнига гуманистик нуқтаи назари билан анъанавий ёндашувлардан алоҳида ажralиб туради. Айниқса, бош қиёфа (қаҳрамон), ўқитувчи-ўқувчи муносабатида талаба-ўқувчи (таълим оловчи)ни дарс жараёнида биринчи, яъни марказий планга қўйиш ва ўқитувчи билимлар “омбори” сифатида эмас, билим олишга етакловчи ёрдамчи шахс сифатида қаралиши таълим оловчиларнинг ички мотивациясини оширишга ёрдам беради.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Рубинштейн С.Л. Основы Общей психологии. Т.2. – М.: 1989. – С. 79.
2. Маслоу А.Г. Дальние пределы человеческой психики. – Санкт-Петербург: 1997. – С. 180.
3. Роджерс К. Взгляд на психотерапию. Становление человека. – М.: 1994. – С. 348.

4. М.А.Эшмирзаева Шахсга йўналтирилган таълим асосида талабаларнинг касбий компетентлилигини шакллантириш (электромагнетизм бўлими мисолида): пед. фан. бўй. фал. докт... (PhD) дис... –Т.: 2019. –178 б.
5. Трошагин М. И. Личностно – ориентированный подход в обучении и проблемы его реализации // Воспитание школьников, № 11, 2008. – С. 19.
6. Rahim Ayatov, Doston Sherov, IMPROVING THE CONVERSATIONAL PROCESS IN FOREIGN LANGUAGE TEACHING International Engineering Journal For Research & Development 5/32-37. [https://scholar.google.com/citations?view\\_op=view\\_citation&hl=en&user=l-q0FTMAAAAJ&citation\\_for\\_view=l-q0FTMAAAAJ:u-x6o8ySG0sC](https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=en&user=l-q0FTMAAAAJ&citation_for_view=l-q0FTMAAAAJ:u-x6o8ySG0sC)
7. Doston Sherov, SHAXSGA YO'NALTIRILGAN TA'LIMDA PEDAGOGIK KLASTERNING AHAMIYATI D Sherov - Academic research in educational sciences, 2021. 2, 9, 1122-1126 [https://scholar.google.com/citations?view\\_op=view\\_citation&hl=en&user=l-q0FTMAAAAJ&cstart=20&pagesize=80&citation\\_for\\_view=l-q0FTMAAAAJ:UeHWp8X0CEIC](https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=en&user=l-q0FTMAAAAJ&cstart=20&pagesize=80&citation_for_view=l-q0FTMAAAAJ:UeHWp8X0CEIC)
8. Nasiba Shodiyeva Doston Sherov Using Innovative Technologies in Teaching Foreign Languages, Eastern European Scientific Journal, 1,1, 146-148 [https://scholar.google.com/citations?view\\_op=view\\_citation&hl=en&user=l-q0FTMAAAAJ&pagesize=80&citation\\_for\\_view=l-q0FTMAAAAJ:dlgkVwhDpl0C](https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=en&user=l-q0FTMAAAAJ&pagesize=80&citation_for_view=l-q0FTMAAAAJ:dlgkVwhDpl0C)
9. Anarbaev Orzubek Rahmanovich, ИНГЛИЗ ТИЛИДА НЕОЛОГИЗМЛАР ҲОСИЛ БЎЛИШИДА ҚЎШМА СЎЗЛАР САМАРАДОРЛИГИГА ДОИР, Международный Журнал Искусство Слова, 2020.
10. Anarbaev Orzubek Rahmanovich, Linguistic features of compound words in english and Uzbek languages, European Journal of Molecular and Clinical Medicine 2020. [https://scholar.google.com/citations?view\\_op=view\\_citation&hl=en&user=XdwAZK0A AAAJ&citation\\_for\\_view=XdwAZK0AAAAJ:u5HHmVD\\_uO8C](https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=en&user=XdwAZK0A AAAJ&citation_for_view=XdwAZK0AAAAJ:u5HHmVD_uO8C)
11. Anarbaev Orzubek Rahmanovich, Corpus of parallel texts-As an efficient working tool of a modern translator, Asian Journal Of Multidimensional Research, 2021. [https://scholar.google.com/citations?view\\_op=view\\_citation&hl=en&user=XdwAZK0A AAAJ&citation\\_for\\_view=XdwAZK0AAAAJ:2osOgNQ5qMEC](https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=en&user=XdwAZK0A AAAJ&citation_for_view=XdwAZK0AAAAJ:2osOgNQ5qMEC)
12. Anarbaev Orzubek Rahmanovich, Specific features of the publicistic style in English, South Asian Academic Research Journals, 2022. [https://scholar.google.com/citations?view\\_op=view\\_citation&hl=en&user=XdwAZK0A AAAJ&citation\\_for\\_view=XdwAZK0AAAAJ:qjMakFHDy7sC](https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=en&user=XdwAZK0A AAAJ&citation_for_view=XdwAZK0AAAAJ:qjMakFHDy7sC)
13. Anarbaev Orzubek Rahmanovich, METHODS AND PROBLEMS OF TRANSLATING ENGLISH NEWSPAPER TEXTS INTO UZBEK, Finland International Scientific Journal of Education, Social Science & Humanities, 2023/2/20

[https://scholar.google.com/citations?view\\_op=view\\_citation&hl=ru&user=XdwAZK0AAAAJ&citation\\_for\\_view=XdwAZK0AAAAJ:UeHWp8X0CEIC](https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=XdwAZK0AAAAJ&citation_for_view=XdwAZK0AAAAJ:UeHWp8X0CEIC)

14. Anarbayev Orzubek Rahmanovich, INGLIZ GAZETASI MATNINING LEKSIK-GRAMMATIK XUSUSIYATLARI, THE THEORY OF RECENT SCIENTIFIC RESEARCH IN THE FIELD OF PEDAGOGY, 2023/3/23

[https://scholar.google.com/citations?view\\_op=view\\_citation&hl=ru&user=XdwAZK0AAAAJ&citation\\_for\\_view=XdwAZK0AAAAJ:aqlVkm33-oC](https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=XdwAZK0AAAAJ&citation_for_view=XdwAZK0AAAAJ:aqlVkm33-oC)

15. Anarbayev Orzubek Rakhmanovich, SPECIAL FEATURES OF TRANSLATING ENGLISH NEWSPAPER TEXTS, IMRAS, 2023/11/1

[https://scholar.google.com/citations?view\\_op=view\\_citation&hl=ru&user=XdwAZK0AAAAJ&citation\\_for\\_view=XdwAZK0AAAAJ:4DMP91E08xMC](https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=XdwAZK0AAAAJ&citation_for_view=XdwAZK0AAAAJ:4DMP91E08xMC)

16. Anarbayev Orzubek Raxmanovich, TRANSLATION METHODS OF NEWSPAPER AND JOURNALISTIC TEXTS, INNOVATION IN THE MODERN EDUCATION SYSTEM, 2023/12/22

[https://scholar.google.com/citations?view\\_op=view\\_citation&hl=ru&user=XdwAZK0AAAAJ&citation\\_for\\_view=XdwAZK0AAAAJ:Wp0gIr-vW9MC](https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=ru&user=XdwAZK0AAAAJ&citation_for_view=XdwAZK0AAAAJ:Wp0gIr-vW9MC)

17. D. Khoshimova, D. Otajonova, G. Khaldarchayeva, MODERN TECHNOLOGIES IN TEACHING FOREIGN LANGUAGES, «Academic Research», 2020/1/3.

[https://scholar.google.com/citations?view\\_op=view\\_citation&hl=en&user=A23kR88AAAJ&citation\\_for\\_view=A23kR88AAAJ:zYLM7Y9cAGgC](https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=en&user=A23kR88AAAJ&citation_for_view=A23kR88AAAJ:zYLM7Y9cAGgC)

18. Dilnoza Xoshimova, Features of Grow of Sensate-Expressive Speech in English Language at the Students via Conceiving by Listening, European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol, 2019/7/12.  
[https://scholar.google.com/citations?view\\_op=view\\_citation&hl=en&user=A23kR88AAAJ&citation\\_for\\_view=A23kR88AAAJ:u5HHmVD\\_uO8C](https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=en&user=A23kR88AAAJ&citation_for_view=A23kR88AAAJ:u5HHmVD_uO8C)

19. Xoshimova Dilnoza, Improving the English Languages Speaking Skills with Efficient Ways, International Engineering Journal For Research & Development.  
[https://scholar.google.com/citations?view\\_op=view\\_citation&hl=en&user=A23kR88AAAJ&citation\\_for\\_view=A23kR88AAAJ:u-x6o8ySG0sC](https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=en&user=A23kR88AAAJ&citation_for_view=A23kR88AAAJ:u-x6o8ySG0sC)

20. Xoshimova Dilnoza, USING EFFECTIVE METHODS IN PRESCHOOL AND PRIMARY SCHOOL EDUCATIONAL SYSTEM, Science and Education, 202/1/5.

[https://scholar.google.com/citations?view\\_op=view\\_citation&hl=en&user=A23kR88AAAJ&citation\\_for\\_view=A23kR88AAAJ:Tyk-4Ss8FVUC](https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=en&user=A23kR88AAAJ&citation_for_view=A23kR88AAAJ:Tyk-4Ss8FVUC)

21. Д Р Хошимова, Д Мухамматжонова, EFFECTIVE TECHNICS TO IMPROVE ENGLISH LANGUAGE SPEAKING SKILLS, ОПЫТ И ПЕРСПЕКТИВЫ ОБУЧЕНИЯ ИНОСТРАННЫМ ЯЗЫКАМ В ЕВРАЗИЙСКОМ ОБРАЗОВАТЕЛЬНОМ ПРОСТРАНСТВЕ,  
2020/5.

[https://scholar.google.com/citations?view\\_op=view\\_citation&hl=en&user=A23kR88AA AAJ&citation\\_for\\_view=A23kR88AAAAJ:qjMakFHDy7sC](https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=en&user=A23kR88AA AAJ&citation_for_view=A23kR88AAAAJ:qjMakFHDy7sC)

22. Dilnoza Xoshimova, Musajon Tadjibayev, THE SOCIAL DIMENSIONS OF UNDERSTANDING THE ART OF LITERARY LANGUAGE, European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 2020/5. [https://scholar.google.com/citations?view\\_op=view\\_citation&hl=en&user=A23kR88AA AAJ&citation\\_for\\_view=A23kR88AAAAJ:2osOgNQ5qMEC](https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=en&user=A23kR88AA AAJ&citation_for_view=A23kR88AAAAJ:2osOgNQ5qMEC)

23. Dilnoza R. Khoshimova, Features of Improvement Sensate – Expressive Speech While Teaching Listening Students Applying Mnemonic Base, Eastern European Scientific Journal, 2020/1.

[https://scholar.google.com/citations?view\\_op=view\\_citation&hl=en&user=A23kR88AA AAJ&citation\\_for\\_view=A23kR88AAAAJ:9yKSN-GCB0IC](https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=en&user=A23kR88AA AAJ&citation_for_view=A23kR88AAAAJ:9yKSN-GCB0IC)

24. DR Khoshimova, Peculiarities to improve sensate-expressive speech while teaching listening, Tilshunoslikdagi zamonaviy yo'nalishlar: muammo va yechimlar, 2021.

[https://scholar.google.com/citations?view\\_op=view\\_citation&hl=en&user=A23kR88AA AAJ&citation\\_for\\_view=A23kR88AAAAJ:Y0pCki6q\\_DkC](https://scholar.google.com/citations?view_op=view_citation&hl=en&user=A23kR88AA AAJ&citation_for_view=A23kR88AAAAJ:Y0pCki6q_DkC)